



ЧЎЛ ЭРКАК ЎТИ (ЖИТНЯК)НИНГ ЯЙЛОВ ЧОРВАЧИЛИГИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА АҲАМИЯТИ ҲАМДА ДАЛА ТАЖРИБАЛАРДА ЕТИШТИРИШ НАТИЖАЛАРИ

Адилов Собитжон Ўктамович

Фанлар академияси Навоий бўлими таянч докторанти.

E-mail: s.u.adilov2991@mail.ru

Мирзоев Ўткир Қаҳҳорович

Навоий вилоят олий таълим, фан ва инновациялар
бошқармаси бошлиғи

E-mail: utkir.mirzoyev@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10653845>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-February 2024 yil

Ma'qullandi: 08- February 2024 yil

Nashr qilindi: 13- February 2024 yil

KEY WORDS

Яйлов чорвачилиги, табиий
яйловлар, чўл озуқа экинлари,
яйлов ўсимликлари, иқлим,
уруғчилик, қурғоқчилик,
хосилдорлик, дала
тажрибалари, деградация,
инқироз, биологик хилма-
хиллик, яйлов маҳсулдорлиги.

ABSTRACT

Бугунги кунда яйлов чорвачилигини ташкил қилишда ҳамда чорвачилик хўжалиklarини ем-хашакка бўлган талабини қондиришда, чорва молларининг доимий талаб этиладиган ем хашак базасини яратишда яйловларнинг махсулдорлигини ошириш бугунги кундаги яйлов чорвадорларнинг ҳамда яйловлар ҳисобига чорва молларини боқиб келаётган аҳолининг энг муҳим муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Шу боисдан ушбу мақолада яйлов чорвачилигини ташкил қилишда чўл яйлов озуқа экинларни аҳамияти ва чўл еркак ўти (житняк)ни дала тажриба натижалари келтириб ўтилган.

Бутун дунёда яйлов чорвачилигида фойдаланиладиган чўл яйлов озуқа ўсимликларини етиштириш ҳамда чорвачилик хўжалиklarини озиқ-овқатга бўлган талаби ҳамда хавфсизлигини таъминлаш бугунги куннинг муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Кейинги йилларда яйлов озуқа базасининг тақчиллиги сабабли кўпчилик чорвачилик хўжалиklари минглаб чорва ҳайвонларини юзлаб километр масофаларга кўчиришга мажбур бўлмоқда. Бундай ҳолатда бир жойдан иккинчи жойга кўчириш ҳам кўплаб моддий ҳам катта меҳнат ресурсларини сарфлашни талаб қилади, ва бу чорва маҳсулдорлигига, қолаверса чорвачилик соҳасининг самарадорлигига катта путур етказди. Шу боисдан юртимизда чорва ҳайвонларининг бош сонини ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва рағбатлантириш тўғрисида қатор қарорларни қабул қилиб, чорвачилик соҳаси учун кенг имкониятлар яратиб келмоқда. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 16 мартдаги

ПҚ-2841 сонли “Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорида Республика “Қоракўлчилик уюшмасининг асосий вазифалари қаторида” яйловлар унумдорлигини ошириш ҳамда яйлов ўсимликлари уруғчилигини йўлга қўйишга илмий амалий ва методик ёрдам кўрсатиш” вазифаси ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган. Президентимизнинг “Қоракўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йилнинг 14 мартдаги ПҚ-3603 сонли ва 2019 йилнинг 18 мартдаги ПҚ- 4243 сонли

қарорларида эса Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш Марказига қарашли Бухоро чўл яйлов озуқабоп ўсимликлари уруғчилиги илмий ишлаб-чиқариш Марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқулланганлиги чорвачилик соҳасига балки чўл яйлов озуқа ўсимликларини кўпайтириб табиий яйловлар ҳосилдорлигини ошириш ҳамда яйловларнинг бугунги кундаги ҳолатини яхшилаш, уларнинг деградациясининг олдини олишга қаратилганлиги аҳамият касб этади.

Яйлов чорвачилик соҳаси аввало яйлов озуқаси ҳосилининг йиллик ёғингарчилик миқдори билан боғлиқ бўлиб, қурғоқчилик йиллари озуқа танқислигининг кескин тус олиши ва бундай ҳолатнинг тез-тез такрорланиб туриши чўл-яйлов чорвачилигига катта иқтисодий зарар етказди. Кейинги йилларда аҳоли, деҳқон ва фермер хўжаликлари чорва молларининг бош сони йилдан-йилга ортиб, табиий яйловлардан фойдаланиш кескин ортиб бормоқда. Яйловлардаги чорва мол сифмига эътибор бермасак, улардан йил бўйи узлуксиз фойдаланиш натижасида чўл яйловлари ўсимликлари қопламида салбий ўзгаришлар юзага келиб, биологик хилма-хиллигининг камайиши, яйловлар деградацияси, яйловлар ҳосилдорлигининг пасайиши, озуқа сифатининг ёмонлашуви каби салбий ҳолатлар келиб чиқмоқда. Сўнги йилларда республикамиздаги иқлим ўзгариш ҳолатлари, йилдан йилга ёғингарчилик миқдорининг камайиши оқибатида об-ҳавонинг қурғоқчил келиши натижасида ҳам яйловлар ҳосилдорлигининг кескин камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Чўл-яйлов ўсимликларини етиштиришда уруғларнинг сифатига ва ҳосил миқдорига таъсир қилувчи энг муҳим омиллар қаторига чорва молларининг озикланиш майдони, тупроқдаги мавжуд намлик миқдори ҳисобланади. Чўл ва адир минтақаларидаги ўсимликлар чорвачилик соҳасининг асосий озуқа базасини ташкил этади. Ҳозирги кунда экологик муҳитнинг ифлосланиши, ўсимликларнинг ривожланишига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Яйловлар ҳолати ёмонлашувини олдини олиш, уларнинг табиий ҳолатидан самарали фойдаланиш, уруғчилигини ривожлантириш, қайта тикланишини таъминлаш жуда муҳимдир. Бундай тадбирлар қаторида яйловлардан самарали фойдаланиш, уларнинг тубдан яхшилаш масалалари талаб этилади. Шунини эътиборга олиб табиий яйловларни асраш ва улардан самарали фойдаланиш учун 2019 йил 3 май куни Ўзбекистон Республикасининг яйловлар тўғрисида қонуни тасдиқланиб кучга кирди. Ушбу қонун мақсади яйловларда фойдаланишнинг ташкилий ҳуқуқий асосларини белгилаш ҳамда яйловларда такрор ишлаб чиқариш ва қайта тикланишни ҳимоялаш, шунингдек яйлов ҳудудлари ва уларнинг ўсимлик қатламини муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Бугунги кунда яйлов майдонларининг 70-80%зи инқирозга учраган 20 фоиздан ортиқ майдонлардаги яйлов ва пичанзорда ўсимликлар сони ва турлари камайиб, маҳсулдорлик икки баробарга, шу жумладан озуқа экинлари ҳосилдорлиги гектарига 1,5-2,5 ц/га қисқариб кетди. Шунингдек, яйловлардаги инқирозга учраган яйловлар майдонларини аниқлаш ва уларни тиклаш ҳамда ҳосилдорлиги ошириш учун озуқабоп экинлар экиш ишларига етарлича эътибор қаратилмаганлиги туфайли яйловлар хўжалигида юз берган салбий ҳолатлар кучайиб бормоқда.

Шунинг учун яйловлардан самарали фойдаланишни, биологик хилма-хилликни асраш ва бойитишни, инқирозга учраган яйлов майдонларининг ўсимлик қопламини фитомелиорациялаш орқали қайта тиклаш чора-тадбирларини амалга ошириш тақозо этади.

Юқорида келтирилган салбий ҳолатлар оқибатларини юмшатиш, деградацияга учраган ерларда яйловларни тиклаш ва ушбу ерларда ўсимликларни йўқотишларсиз ундириб олиш мақсадида Фанлар академияси Навоий бўлимига қарашли “Нурота

тажриба далаласи”да баҳорги лалми ерларида тажриба синов тариқасида чўл-яйлов озубоқаб ўсимликларидан чўл еркак ўти уруғларини бентонит гиллари билан қобиқлаб экилиб, бентонит гилларининг ўсимлик унвчанлиги, туп қалинлиги ва ривожланиш фазалари давомийлигига таъсири тажриба далаларида ўрганилди ҳамда назорат вариантыдаги ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши билан таққосланди.

Житняк (Эркак ўти)нинг унвчанлиги ва ривожланиш фазаларининг давомийлигига уруғларини бентонит гиллари кукуни билан қобиқлаб экишнинг таъсири.

№	Ўсимлик-лар	Қобиқлаш меъри, г/кг	Униб чиқиш муддати	1 м ² даги ўсимликлар сони		Ривожланиш фазалари					
				Йил бошида	Йил охирида	Шохланиш	Шоналаш	Гуллаш	Уруғ ҳосил қилиш	Уруғ пишиши	Вегетатсия даврини тугатиш
6.	Житняк (Эркак ўти)	Назорат	28.0 3	1,65	1,47	12.04 ён барг	18.05	28.05	20.06	03-10.07	20-30.06.23
		50	26.0 3	1,78	1,56	10.04 ён барг	15.05	25.05	18.06	01-05.07	20-30.06.23
		100	26.0 3	1,87	1,69	07.04 ён барг	12.05	22.05	16.06	28.06-05.07	20-30.06.23
		200	28.0 3	1,82	1,56	10.04 ён барг	15.05	25.05	18.06	01-05.07	20-30.06.23

Тадқиқотларимиз чўл-яйлов озубоқаб экинларидан асосан житняк уруғларини қобиқлаш учун сарф бўлган бентонит гиллари кукуни миқдорига кўра назорат, 50 г/кг, 100 г/кг ва 200 г/кг вариантларда ўтказилди. Чўл-яйлов озубоқаб ўсимликлари уруғларини бентонит гиллари билан қобиқлаб экилгандан сўнг март ойининг охири апрель ойининг бошларида униб чиқишни бошлади. 1 м² да уруғлардан униб чиққан ўсимликлар сони йил бошида назорат вариантларида 1.65; 50 г/кг вариантыда 1.78; 100 г/кг вариантыда 1.87; 200 г/кг вариантыда 1.82 тани ташкил этди. Йил охирига келиб вегетация даврини тугатиш вақтида уларнинг 1 м² да ўсимликлар сони вариантларга мос равишда назорат: 1.47; 50 г/кг вариантыда 1.56; 100 г/кг вариантыда 1.69; 200 г/кг вариантыда 1.56, тани ташкил этди;

Тажриба далаларидаги чўл еркак ўтининг шохланиш фазаси униб чиққанидан сўнг назорат пайкалчаларида апрел ойининг ўрталаридан кузатилган бўлса, бентонит гиллари кукуни миқдорига кўра 50 г/кг, 100 г/кг ва 200 г/кг вариантларда апрел ойининг бошларига тўғри келди.

Тажриба далаларимиздаги житнякда ён баргчалар ҳосил қилиш назорат пайкалчасида 12.04, 50 г/кг, 100 г/кг, 200 г/кг вариантларда мос ҳолатда 10.04, 07.04, 10.04 кунлари аниқланди. Ушбу чўл яйлов озубоқаб экинларимизда иккинчи йил шоналаш, гуллаш, уруғ ҳосил қилиш фазалари ҳамда вегетатсия даврини тугатиши житнякда 20-30.06.23 муддатларга тўғри келди.

Чўл яйлов озубоқаб экинларидан иккинчи йилида дастлабки шоналаш житнякда назорат пайкалчасида 18.05; 50 г/кг вариантыда 15.05; 100 г/кг вариантыда 12.05; 200 г/кг вариантыда 15.05 кунларида кузатилди. Гуллаш даври шоналагандан сўнг назорат пайкалчасида 28.05; 50 г/кг вариантларда 25.05; 100 г/кг вариантыда 22.05; 200 г/кг вариантыда эса 15.05 кунлари кузатила бошлади. Уруғ ҳосил қилиш даври эса 16.06-20.06.23; уруғ пишиши 28.06-10.07.23 ҳамда вегетация даврини тугатиши июнь ойининг охири июль ойининг бошларига тўғри келди.

Тажриба далаларимиздаги житняк уруғларини бентонит гиллари кукуни билан турли меъёрларда қобиқлаб экиш уларнинг ўсиши ва ривожланишида ва вегетатсия даврининг давомийлигига ўз ижобий таъсирини кўрсатди. Бунда энг мақбул қобиқлаш меъёри житнякда 100г/кг вариантларида кузатилди, яъни униб чиқишини 2-3 кунга

тезлашди.

Хулоса қилиб айтганда яйлов чорвачилигини ташкил қилишда чорвачилик хўжаликлари олдида турган муаммоларни ҳал этишда ҳамда яйловлардан самарали фойдаланишда, яйловлардаги ўсимлик турларини сақлаб қолишда, турларини кўпайтириш, яйлов уруғчилигини ташкил қилиш ва ҳосилдорлигини ошириш зарурати пайдо бўлди. Бу борада мамлакатимизнинг яйловлардан оқилона фойдаланиш, инқирозга учраган яйлов майдонларини аниқлаш, уларнинг ҳосилдорлиги ошириш учун чўл яйлов озуқабоп экинларини экиш ишларини ташкил этиш, яйловлардан фойдаланишнинг муайян меъёрлари белгилаб яйловлардан маълум бир тартиб, қоидаларга амал қилиниб фойдаланишни, йилнинг айрим зарур даврларида уларга дам беришни, уларнинг табиий ҳосилдорлигини сақлаб қолишга ёки оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини қўллашни, умуман доимий назорат ва эътибор қилишни тақозо этади. Шу сабабли ушбу тажриба далаларимизда чўл яйлов озуқабоп ўсимликларининг уруғчилигини ташкил қилиш орқали келгусида чўл яйлов чорвачилигида фойдаланиш учун кенгайтирилиб, ҳосилдорлиги оширилиб яхши натижаларга эришилади ва янада мустақкам чорвачилик соҳаси жадал ривожланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-2841 сонли қарори. Махмудов М.М. ва бошқ. Инқирозга учраган чўл яйловларини яхшилашнинг экологик асосланган технологияси. –Тошкент, 2005.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қоракўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йилнинг 14 мартдаги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 18 март ПҚ- 4243 сонли қарори
4. Бобоқулов Н.А. ва бошқалар. “Сахро-яйлов чорвачилигида ем-хашак ресурсларидан оқилона фойдаланиш” Самарқанд 2012 йил
5. Ш.Қ.Синдаров., М.М.Махмудов, Х.Р.Халилов “Адирлар шароитида барпо этилган экинзорларнинг уруғ ҳосилдорлиги”
6. Махмудов М.М. ва бошқ. Инқирозга учраган чўл яйловларини яхшилашнинг экологик асосланган технологияси. –Тошкент, 2005.